

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2007 йил, 20 июнь, ЧОРШАНБА

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 117 (10.926)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Кечка сатрларда

● **СОБИР** Раҳимов туманидаги 28-мактабда туман ИИБ ходимлари иштирокида балоғат ёшига етган ўсмирларга фуқаролик паспортлари топширилди.

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида уюштирилган маънавий-маърифий давра суҳбати «Ўзбекистон—истикболи буюк давлат» деб номланди.

● **ИЖТИМОЙ** ҳимоя йили ҳамда юртимиз Истиклолининг 16 йиллигига туҳфа сифатида бунёдкорлар томонидан замонавий усулда қайта таъмирланган Собир Раҳимов туманидаги 28-мактабда битирувчи ёшларга шаходатномалар топширилди.

● **КЕЧА** Шайхонтохур туман кичик бизнес ва бозор кўникмаларини ривожлантириш марказида тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантиришнинг жамият тараққиёти ривожига аҳамиятига бағишлаб ўтказилган семинарда бизнесменлар ва тадбиркорлар иштирок этишди.

● **БОЛАЛАРДА** учраётган янги цезляк хасталигининг олдини олиш мақсадида парҳез таомлари учун маҳсулотлар тайёрлашга ихтисослашган «Парҳез—ҳаёт учун» жамияти ўз фаолиятини бошлади.

● **КЕЧА** «Бунёдкор» ёшлар телеклубида ёшлар, журналистлар иштирокида ақинлашиб келаётган 27 июнь—Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишлаб ўтказилган тадбирда матбуотнинг жамият тараққиётида туган ўрни борасида сўз борди.

● **КЕЧА** «Туркистон» саройида олий ўқув юртлири талабалари ўртасида ташкиллаштирилган «Кувноқлар ва зукколар» интеллектуал ўйинининг якуний босқичи ғолиблари тақдирланди.

● **КЕЧА** «ЭКОСАН» халқаро ташкилоти ташаббуси билан Тошкентдан Навоий вилоятига озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармон воситалари орттирилган «Саломатлик» поезди жўнаб кетди.

● **ТОШКЕНТ** Давлат шарқшунослик институтида ўтказилган «Очиқ эшиклар куни» тадбирида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ўқитувчилари, битирувчи синф ўқувчилари, ота-оналар иштирок этишди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ЭРТАГА ПОЙТАХТИМИЗДА «ЁШЛИК» СПОРТ МАЖМУАСИДА НАВҚИРОН АВЛОДНИ КОМИЛЛИКА ЙЎНАЛТИРУВЧИ УЗЛУКСИЗ СПОРТ ДАСТУРИНИНГ МУҲИМ БЎГИНЛАРИДАН БИРИ—«УНИВЕРСИАДА — 2007» ТАЛАБАЛАР ҲАМРАЗИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТАДИ. РАНГ-БАРАНГ ТЕАТРЛАШТИРИЛГАН ТАДБИР ДОИРАСИДА УНИВЕРСИАДА КАБИ СПОРТ ҲАМРАЗИНИНГ ГЎЗАЛЛИК, ШИЖОАТ, КУЧ-ҚУДРАТ ВА ДОИМИЙ БАРКАМОЛЛИКНИНГ РАМЗИ БЎЛИШИ МАШҒАЛАСИ ҲАМНАВИЙ.



«Универсиада — 2007» олдидан



МЕҲМОННАВОЗ ТОШКЕНТ ИШТИРОКЧИЛАРНИ ТАНТАНАЛИ КУТИБ ОЛМОҚДА

БУГУН эрта тонгдан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ҳамда «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компаниясининг махсус йўналишлари бўйича «Универсиада — 2007»нинг якуний босқич ўйинлари иштирокчиларининг ташрифи бошланди. Пойтахтимизнинг илк меҳмонлари — аэропорт орқали Нукус (Қорақалпоғистон Республикаси), Урганч (Хоразм вилояти), Термиз (Сурхондарё вилояти) шаҳарларидан ҳамда темир йўл орқали Марказий темир йўл вокзалига келган Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятлари жамоалари вакиллари — мингга яқин спортчилар, мураббий ва ҳакамлар ташкилотчилар ва пойтахтимиз аҳолиси томонидан тантанали тарзда кутиб олинди.

Уларнинг бари, шунингдек, Тошкент Давлат аграр университети ва «Туркистон» саройида жамланган пойтахт вилояти ва Тошкент шаҳри спортчилари марказлашган ҳолда «Универсиада — 2007» рамзи туширилган махсус автомашиналарда кейинги олти кун давомида дам олишлари

мўлжалланган манзиллар бўйича — Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент Давлат техника университети, Тошкент Тиббиёт академияси, Тошкент темир йўл муҳандислари институти, Тошкент Ахборот технологиялари университети ва Тошкент Давлат юридик институти негизидagi талабалар турар жойларига етказиб қўйилди. Бу ерда ҳам барча меҳмонларга кўтаринки руҳ бахш этиш ниятида концерт дастурлари намойиш этилди.

«Универсиада — 2007» ахборот марказининг хабарига кўра, бу сафарги талаба ёшлар ўйинларида ўз минтақалари доирасида — 12 та вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри жами 14 та жамоа таркибидagi 1946 нафар спортчи иштирок этади. Уларнинг адолат ва ҳаққонийлик мезонларига асосланган беллашувларини нуфузли мусобақаларда катта таърибга эга юқори тоифали 84 нафар ҳакам баҳолайди.



Универсиада финал босқичи мусобақалари давомида ҳар бир спорт тури бўйича шахсий ва жамоавий ҳисобларда, шунинг

дек умумжамоа биринчилиги бўйича биринчи, иккинчи ва учинчи ўринлар учун беллашувлар бўлиб ўтади. Эришилган натижаларга мувофиқ равишда барча тоифалар бўйича ғолиб ва совриндорлар тегишли даражадаги медаллар билан тақдирланади. Умумий ҳисобда энг кўп очко тўплаган учта минтақа жамоалари аънавий тарзда Президент совғалари — «Дамас» автомашиналари билан мукофотланади.

Айни пайтда эса пойтахтимизга меҳмонларнинг ташрифи давом этмоқда. Кечки темир йўл йўналиши бўйича «Универсиада — 2007» иштирокчиларининг Бухоро, Навоий, Жиззах, Сирдарё, Самарқанд ва Қарши вилоятларидан келиши кутилмоқда.

Пойтахтимизга хуш келибсиз, азиз «Универсиада — 2007» иштирокчилари! Қизгин ва мurosасиз беллашувларда сизларга зафарлар тилаб қоламиз!

(«Универсиада — 2007» спорт ўйинларига бағишланган махсус саҳифа материаллари билан 3-бетда танишасиз).



КЎШМА ЛОЙИҲАЛАРНИНГ САМАРАСИ ИЖРОСИ

МАМЛАКАТИМИЗДА МЕҲМОН БЎЛИБ ТУРГАН ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИНИНГ БЕЛЬГИЯ, ФРАНЦИЯ, ИТАЛИЯ, ПОРТУГАЛИЯ, ИСПАНИЯ ВА ШВЕЙЦАРИЯ ТОМОНИДАН ИЖРОЧИ ДИРЕКТОРИ ПАТРИК ПИЛЛОН РАҲБАРЛИГИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯ ҚАТОР ВАЗИРЛИК ВА ИДОРАЛАРДА МУСОҚАРАЛАР ҲАМНАВИЙ.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқаруви раиси, Осие тараққиёт банкининг (ОТБ) Ўзбекистон Республикаси томонидан бошқарувчиси Саидхамид Раҳимов билан мулоқот чоғида мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида банк соҳасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар хорижий ҳамкорлар билан алоқаларни янада ривожлантиришда муҳим омили бўлаётгани алоҳида таъкидланди. Осие тараққиёт банки 1996 йилдан буён мам-

лакатимиз иқтисодиётининг кўллаб соҳаларига сармоя киритиш орқали иқтисодий ислохотларни кўллаб-қувватлаб келмоқда. ОТБ билан ҳамкорлик самараси таълим, табиий ресурсларни ўзлаштириш, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва коммуникациялар, соғлиқни сақлаш, молия, саноат, савдо, энергетика каби соҳалардаги ўзгаришларда айниқса яққол кўзга ташланади.

Осие тараққиёт банки 2006 йилнинг март ойида Ўзбекистон учун 2006-2010 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик стратегияси ва дас-

турини тасдиқлаган.

ОТБ делегацияси ушбу ташриф асносида Сирдарё, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида бўлиб, кўшма лойиҳалар ижросининг бориши билан танишди. Бу лойиҳалар ер ҳосилдорлигини ошириш, сўғориш тармоқлари фаолиятини яхшилаш, шўрланган майдонларни камай-тириш, машина-трактор паркларини янгилаш, шунингдек, таълим тизими муассасалари фаолиятини такомиллаштириш ҳамда хотин-қизларнинг ишбилармонлик қобилияти ва кўникмаларини ривожлантириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга оид тадбирларни ўз ичига олган.

— Ўзбекистонда ОТБ билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган лойиҳалар самарали ижро этилаётганига гувоҳ бўлдик, — деди Патрик Пил-

лон. — Юртингизда банк тизимини ислох қилиш ва эркинлаштиришнинг зарур ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилиб, хорижий ишбилармонлар учун қулай сармоявий муҳит ва шарт-шароитлар яратилгани бизни жуда қувонтиради.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкида ўтган учрашувда томонлар ўзаро манфаатли алоқаларнинг булғун-ги аҳоли ва иштирокчилар оид масалалар юзасидан фикр алмашди.

ОТБ делегацияси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида ҳам музокара ўтказди. «Тошкент» фонд биржасида бўлиб, мамлакатимизнинг қимматли қоғозлар бозори фаолияти билан яқиндан танишди.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎЗА мухбири

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Адлия вазирлигида «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби — Муствақиллик рамзидир» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, адлия органлари ходимлари, олий ўқув юртлирининг профессор-ўқитувчилари ва жамоатчилик вакиллари иштирок этиди.

● Фарғона Давлат политехника институтида Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига бағишлаб «Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар даврида бунёдкорлик, маданият ва илм-фан тараққиёти» мавзусида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

● Бўка тумани маданият саройида истеъдодли ёшларни излаб топиш, кўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган аънавий «Ниҳол» кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичи ўтказилди. Унда туман ва шаҳар босқичларида сараланган 50 дан зиёд иқтидорли йигит-қиз ўз истеъдодини намойиш этиди.

● Навоий шаҳридаги «Ширин» маданият саройида «Ўзбекистон Республикасида бола ҳуқуқлари ва унинг қаролатлари» мавзусида илмий-амалий конференция уюштирилди.

● Тошкент шаҳридаги қорхоналар ва ташкилотлар тасарруфидаги, шунингдек, мактаблар қошида ташкил этилган кундузги болалар оромгоҳларида меҳнаткашларнинг 45 мингдан зиёд фарзандлари ёзги таътилда дам оладилар. Уларнинг 2000 нафарини Қорақалпоғистон Республикасидан келган болалар ташкил этади.

● Нукус шаҳар хотин-қизлар кўмитаси ҳамда «Маҳалла» жамғармасининг шаҳар бўлинимаси ташаббуси билан хотин-қизлар ўртасида югуриш бўйича мусобақа ўтказилди. Унда уй бекалари ҳамда шаҳар бирлашган шифохонасига қарашли даволаш муассасаларининг ҳамшираларидан иборат 120 нафар спортчи 2 гуруҳга бўлиниб ўзаро куч синашди.

● Нукус Политехника касб-хунар коллежи қошида ўрта махсус касб-хунар билим юртлири ўқитувчилари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш минтақавий маркази иш бошлади.

● Намангандаги «Халқлар дўстлиги» маҳалласида «Ўзбекистон—Ватаним маним» шiori остида болалар расмлари танлови уюштирилди.

● Қашқадарё вилоятида «Ҳамшира-2007» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

● Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат музыка театрида «Ниҳол-2007» муқофотига номзодлар тавсия этиш бўйича Республика танловининг 2-босқичи ўтказилди.

ЖАҲОНДА

● Бельгия пойтахти Брюссель шаҳрида 21-22 июнь кунлари Европа Иттифоқининг навбатдаги саммити бўлиб ўтади.

● Францияда «Халқ ҳаракати учун иттифок» партияси галабаси билан яқунланган парламент сайловларидан сўнг бош вазир Франсуа Фийон тузган ва мамлакат Президенти томонидан кўллаб-қувватланган Франциянинг янги ҳукумати таркиби эълон қилинди.

● Хитой 2008 йилги Олимпиада ўйинлари машғулаларини Эверест чўққиси орқали олиб ўтиш мақсадида улкан йўл бунёд этмоқда. Ушбу лойиҳага 19,7 миллион доллар сарфланади. Қурилиш ишлари келаси ҳафтадан бошланади. Таъкидлаш жоизки, Олимпиада олови 130 кун мобайнида якуний манзилга етказилади.

● Кеча Польша пойтахти Варшавада тиббиёт ходимларининг 10 минг кишилик нозорилик намойишлари ўтказилди. Унда шифокорлар ҳамда ҳамширалар маошларининг, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизими учун давлат маблағи ҳажмининг бир неча баробарга оширилишини талаб қилдилар.

● Украина Олий Радаси «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилмоқда. Агарда ушбу қонун қабул қилинса, қишлоқ хўжалиги ерларининг асосан уй-жой мавзелари атрофида жойлашган қарийб 10 фоизи уй-жой, дала-ҳовли, меҳмонхоналар, инфраузилмалар қуриш учун сотилиши мумкин.

● Ироқ пойтахти Бағдодда шиаларнинг Хиллани масжиди ёнида миналаштирилган автомобилнинг портлатилиши оқибатида 75 киши ҳалок бўлди, 130 дан ортиқ киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди.

● Жаҳон банкининг янги президенти тайинланди. Шу йилнинг 1 июлидан бошлаб бу лавозимни АҚШ Давлат котибининг собиқ ўринбосари Роберт Зеллик эгаллайди.

● Ватикан автомобилчилар учун янги қоидалар тўплангани чиқарди. Катolikлар учун мўлжалланган ушбу тўпланмадаги қоидалар йўл ҳаракатининг барча иштирокчилари—ҳайдовчилар ва пиёдаларга бир хил ёндошиш орқали тавсифланади.

● Жаҳонда яхна ичимлик ва шоколад ишлаб чиқариш бўйича «Cadbury Schweppes» компанияси ходимлари сонини 2011 йилга қадар 15 фоизга қисқартиришини эълон қилди. Яъни, режага кўра 4 йил ичида 7500 нафар ишчи ўз жойидан озод этилади.

● Халқаро ҳаваскорлар бокс федерацияси мусобақалар қоидаларига ўзгартiriш киритмоқчи. Унга кўра, боксчилар зарбаларини аниқлайдиган электрон ҳисоблагичда ислохот ўтказилади. Мутахассисларнинг фикрича, бу янгилик бокс мусобақаларининг янада адолатли ўтишини таъминлайди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2007 йил 18 майда қабул қилинган "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони аҳамияти жиҳатдан жуда муҳим, таъсир доираси қарордор, аниқ чоғда, долзарб ҳуқуқий ҳужжат эканини ана шу мисоллар орқали ҳам билиш қийин эмас.

Ғамхўрликнинг амалдаги ифодаси

Давлатимиз раҳбарининг фарзандларимиз билан кўра билимли, кучли, доно ва, албатта, бахтли бўлишлари шарт, деган сўзларда мамлакатимизда ёш авлодни тарбиялашга қаратилган давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти ўз ифодасини топган. Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб ушбу вазифа жамият ҳаётининг барча жабҳаларида истиқоматлари амалга оширишнинг устувор йўналишларидан бирига айланган.

Юрбошимизнинг ушбу фармони ҳам ёш авлодни, хусусан, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашда янада кучайтиришга йўналтирилган. Фармонда, аввало, ёшларни иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Айниқса, ёш оилаларнинг уй-жой ва маънавий шароитини яхшилашга доир амалий чора-тадбирлар белгиланганлиги унинг аҳамиятини янада оширган. Зеро, ёш оила мустақамлиги — фаровонлигимиз асосидир. Ёш оилادا соғлом муҳит бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳам-жихатлик янада мустаҳкамланади.

Бинобарин, маҳалла-кўй аҳил бўлсагина, мамлакатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради.

Ёш оилаларни уй-жой сотиб олиш ёки қуриш, уй-жойнинг йўлга қўйишда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан имтиёзли шартлар асосида ёш оилаларга ипотека, истеъмол кредитлари ва микрокредитлар шаклида 50 миллион сўм ажратилади.

Бундан ташқари, ёш оилаларни давлат томонидан уй-жойли қилишнинг янги тартиби жорий этилмоқда. Ҳозиргача ёш оилаларнинг юртимизнинг турли ҳудудларида маъжуд, давлатга қарашли, вақтинча фойдаланилмаётган ётоқхоналар, уйлар, шунингдек, кўп хонадонли уйларда бўш турган хоналардан фойдаланиш учун, бир томондан, ҳуқуқий асос, иккинчи томондан, молиявий имконият, учинчи томондан эса унга эғалик қилишнинг амалий механизми етарли эмасди.

Фармонда ана шу масалаларнинг барчасига ечим топилгани эътиборга моликдир. Хусусан, шундай бўш тураржойлар улардаги маънавий шароитларнинг ёш оилалар яшаш учун мос келиши нуктаи назаридан қисқа муддатларда инвентаризация қилинади. Сўнгра бу тураржойлар негизда оилавий ётоқхоналар ва ёш оилалар учун имтиёзли нархларда ижарага берилгани қўйиб қўйилган ташкил этилади.

Яна бир аҳамиятли жиҳат шундаки, фармонда ёш оилаларга бериладиган маъжур уй-жойни таъ-

мирлашни молиялаш ҳамда уни зарур санитария-маънавий жиҳозлар билан таъминлаш тегишли маҳаллий бюджетларнинг даромад қисми кўрсаткичларининг ошириб бажаришга ҳамда "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури доирасида жалб қилинаётган ҳимоялар маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Ёш оилаларга ўзига хос ғамхўрлик намунаси бўлган ушбу ҳужжатда, бир томондан, ёшларнинг мустақил ҳаётга дадил қадам қўйиши, иккинчи томондан, мустақил меҳнат даромад манбаига эга бўлиши, учинчи томондан эса уй-жой ва маънавий шароитини яхшилаб олиши учун амалий рағбат омили раи пойдёвори мустаҳкамлангани эътиборлидир.

ларига солинадиган солиққа тортилади.

Яна бир қўлайлик — ҳўжалик субъектлари томонидан қайтариб олмастик шарт билан ёш оила тоифасига кирувчи ҳодимларига ипотека кредити бадалларини тўлашга ёки мулк сифатида уй-жой сотиб олишга рухсат этилди ҳамда ҳўжалик субъектларига ушбу маблағлар миқдорига тенг ҳажмда, аммо солиққа тортиладиган базанинг 10 фоизидан ошмаган миқдорда даромад солиғи ёки ягона солиқ тўловини ҳисоблашдаги солиққа тортиладиган базасини камайтириш ҳуқуқи берилди. Бошқача айтганда, дастлабки бадални ёш оилаларнинг иш берувчилари, яъни юридик шахслар ҳам тўлашлари мумкин. Бу ҳам оилага катта мадад бўлади.

дети тизими кредитларининг арзонлиги ва қўлайлиги билан дунё мамлакатлари тажрибасида кам учрайдиган ҳодисадир.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида юртимизда аҳолининг шинам уй-жойларга бўлган талаби эътиборлини мумкин қадар тўлиқ таъминлаш, уй-жой қурилишини, айниқса, кичик шаҳарлар ва қишлоқ жойларда жадал ривожлантириш, уй-жой қурилиши учун имтиёзли узоқ муддатли ипотека кредити берилиши тизимини кенг жорий этиш билан боғлиқ масъулият вазифалар Юрбошимизнинг доимий эътиборида.

Ёш оилалар учун қуриладиган уйлар қандай бўлиши керак? Ёш оилаларга берилмаётган ипотека кредитлари миқдорлари ҳам кўпчиликни қизиқтириши табии.

ЁШ ОИЛА МУСТАҚАМЛИГИ — ФАРОВОНЛИК АСОСИ

ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАМИ ОИЛАЛАР СОНИНИНГ САЛКАМ 40 ФОИЗИНИ ЁШ ОИЛАЛАР ТАШКИЛ ЭТАДИ. 2006 ЙИЛДА МАМЛАКАТИМИЗДА 208 МИНГ 423 НИКОҲ, ШУНИНГДЕК, 561 МИНГ 391 НАФАР БОЛА ТУГИЛГАНЛИГИ ҚАЙД ЭТИЛГАН. ДАСТЛАБКИ РАҚАМ ЮРТИМИЗДА, ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҲАЁТИДА ЁШ ОИЛАЛАР, НАВҚИРОН АВЛОД МАВКЕИ НЕЧОҒЛИ ЮҚОРИ ЭКАНЛИГИНИ ТАСДИҚЛАСА, КЕЙИНГИ РАҚАМЛАР БУ МАВКЕНИНГ КЕЛГУСИДА ЯНАДА ЮКСАЛИБ БОРИШИДАН ДАЛОЛАТДИР.

Ипотека кредити ва имтиёзлар

"Ипотека-банк" акциядорлик тижорат банки ахборот марказидан маълум қилишларича, ушбу банк томонидан Президентимиз фармонида белгилаб берилган вазифаларнинг бажарилиши бўйича маъжур дастур ишлаб чиқилган. Мамлакатимиз миқёсида ёш оилаларга жорий йилда 7 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратиш режалаштирилган. Айни вақтда ушбу кредитларни бериш йўлга қўйилган. "Ипотека-банк"нинг жойлардаги филиаллари томонидан ҳозирги кунгача ёш оилаларга қарийб 500 миллион сўм миқдорда ипотека, истеъмол кредитлари ва микрокредитлар ажратилган.

Банк томонидан кредит ажратишда ёш оилаларга бир қатор имтиёзлар ҳам берилаётир. Хусусан, ёш оилаларга ипотека кредитлари уй-жой қийматининг 25 фоизи миқдорда бадал тўланганидан кейин, муддатига қараб, одатдаги йиллик 15-17 фоиз ўрнига 12, 13 ва 14 фоизлик тўловлар асосида ажратилади.

Солиққа тортиладиган иш ҳақи ва бошқа даромадларнинг шахсий уй-жой ёки кўп қаватли уйдан ҳисобланган сотиб олиш, қуриш ва реконструкция қилиш учун олинган ипотека кредитлари ва улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтирилган суммаси ёш оила аъзоларининг солиққа тортиладиган даромадларига кирмайди. Мабодо уй-жой сотиб олинган кундан бошлаб 5 йил ичида сотиб юборилса, ёш оиланинг даромадлари жисмоний шахслар даромад-

Ёш оилаларнинг уй-жой сотиб олиши ёки қуриши, ўз уй-жўжалигини йўлга қўйиши масалаларида айнаин ипотека кредитларига алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас, албатта. Чунки кредитнинг бу тури ниҳоятда истиқболли бўлиб, аҳоли турмуш даражасини оширишда катта аҳамиятга эга эканили жиҳон тажрибасида ўз исботини топган.

Ипотека нима? У кўчмас мулкни гаровга олиш эвазига бериладиган қарз, демакдир. Маълумки, аҳоли сони ўсгани сайин унинг уй-жойига ва бу муаммони ҳал этишга кўмаклашувчи ипотека кредитига эътибор ҳам ошим бораверади. Бу кредитлар аҳолининг уй-жой муаммосини ҳал этишдан ташқари, хизмат кўрсатиш, жумладан, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасининг, қурилиш хизмати кўрсатишчи корхоналарнинг, иккитамчи уй-жой бозорининг ривожланишига ҳам катта ижобий таъсир кўрсатади.

Ипотека кредитининг ўзига хос муҳим хусусияти шундаки, қуриладиган уй-жойнинг ўзи гаровга олинаётган уй-жойнинг ўзи гаровга қилинади. Демак, ипотека кредити олувчи қуриладиган ёки сотиб олинаётган уйда яшаб туриб, қарзини узоқ йиллар давомида тўлайди. Шу жиҳатдан, кредитнинг бу қўлай тури уй қуриш ёки сотиб олиш учун маблағ етмаган ёш оила учун қанчалик катта мадад экани аён бўлади.

Ҳорижлик мутахассисларнинг эътирофи этишча, юртимизда Президент Ислам Каримов ташаббуси билан йўлга қўйилган ипотека кре-

"Ипотека-банк" акциядорлик тижорат банки маълумотларига қараганда, ҳукуматимизнинг бу борадаги моддий қўллаб-қувватлашнинг манфаатдор юртоқларимизнинг аниқ мақсадларидан келиб чиқиб, яқна тартибда уй-жой қуриш ва уйи сотиб олиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 3000 бераваридан ошмаган миқдорда ипотека кредитлари берилади. Яқна тартибда қуриладиган уй-жойни реконструкция қилиш, шунингдек, кўп хонадонли уйдан квартира сотиб олиш учун эса энг кам ойлик иш ҳақининг 2500 бераваридан миқдорда кредит ажратилади.

Шўш, бу маблағ ёш оиланинг уй қуриши, таъмирлаши ёки сотиб олиши учун кўпми ёки аз?

Маълумки, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли бунёдкорлик жараёнини тураржой мезмонлигида ҳам янги, замонавий қурилиш мезонлари ва қондилари қабул қилинишига туртки бўлди. Давлат томонидан маъжурланадиган кўп қаватли ва котеж тураржойлари билан бир қаторда яқна тартибдаги шахсий уйлар, жумладан, мухташам, маҳабатли, бошқача айтганда, "элит" уйлар қуриш кенг тарқалди.

Шундай ҳашаматли уй-жойга эга бўлиш учун юқорида қайд этилган миқдордаги кредит қамлик қилиш турган гап, албатта. Айни чоғда, қонунчиликка мувофиқ, Президентимиз фармони таъбик этиладиган ёш оила тоифасига, ҳар бири 30 ёшдан ошмаган, биринчи марта расмий никоҳдан ўтган ёшлар кириши белгилаб қўйилган. Табиийки, бундай ёшларнинг орзуси, ав-

валамбор, турмушнинг ортиқча хою-ҳавасу зёб-ҳўрнини қалғи-қалғини, аксинча, ўқишда, ишда, касб-ҳўнарни пухта эгаллашда ўзини имкон қадар ёрқинроқ намоён этиш, шахс сифатида тезроқ шаклланиб, ҳаётда муносиб ўрнини топиш, жамиятда эътибор ва макве орттиришдир. Қолаверса, ёш оила таркиби ичмам — 2-4 аъзодан иборат бўлади ва дангиллама уй-жойга эҳтиёж сезмайди.

Банк одатда кредит олаётган шахсининг тўлов қобилиятини ўрганади, унинг барқарор иш ўрни ва даромадга эга эканлиги, бу даромад кредит ва унинг фоизларини белгиланган муддатда тўлаб бориш учун етарли эканлигини ҳисобга олиб, шундан кейингина кредит ажратди. Бу, ўз навбатида, уй-жой муаммосини ҳал этишга бел боғлаган ёшларнинг муайян даражада даромад эгаси бўлишини талаб этади.

Шу маънода, ёш оилага уй-жой қуриш, реконструкция қилиш ёки сотиб олиш учун бериладиган ипотека кредитлари мактаб, лицей ёки коллежни битириб, муайян жойда ишлаш асосида тегишли касб-ҳўнарни пухта эгаллашга астойдил бел боғлаган ёш ишчи-ҳодимлар, олий ўқув юрталарида тахсил олган навқирон мутахассислар, шу каби бошқа қўллаб ёшларимиз учун айнаи муллоадир.

Эътиборли жиҳати шундаки, бугун ёш оилани моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган ана шу кенг имтиёزلардан фойдаланиш истагидаги ёшларнинг ўзи гапнинг лўдасини айтмоқда. Уларнинг фикрича, ҳаётга умид билан қадам қўйган ёш оила учун уй-жойнинг энг муҳим сифатлари — унинг ҳашамати ёки маҳабати эмас, балки қўлайлиги ва замонавийлигидир.

Ҳа, мустақиллик йилларида мамлакатимизда истеъдодли, иродатли, ўз олдига аниқ мақсадларни қўйган янги авлод воғая етмоқда. Ёшлар ўзларига билдирилаётган ишонч ва ғамхўрликни теран ҳис қилган ҳолда, ҳалқимиз, Президентимиз уларга катта умид боғлаётганини яқши англайди. Улар бу ишончнинг аъло ўқиш, илмий-иҷодий муваффақиятлар, ҳалқимиз фаровонлиги, мамлакатимиз тараққийети ва Ватанимизнинг ёруғ истиқболли йўлидаги фидокорона меҳнатлари билан оқлашга астойдил ҳаракат қилаётир.

Ёш оилалар ўзлари қурган янги рўзгор учун гурур ва масъулият ҳиссини янада теран англашга, ота-оналари, кекса авлод вақилларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатишга, дунёга келган ва дунёга келажак фарзандларини ҳалқимизнинг боқий маънавий қадриятлари руҳида тарбиялашга интилиб яшамоқда.

Бинобарин, буларнинг барчаси мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳбарлигида навқирон авлодни, ёш оилаларни нафақат моддий-молиявий, балки маънавий жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватлашни қўлайтириш борасида амалга оширилаётган эзгу ишларнинг самараларидир.

Ғулум МИРЗО, ЎЗА шарҳловчиси

«ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ» МУНОСАБАТИ БИЛАН ЖОЙЛАРДА КЕЛАЖАГИМИЗ ВОРИСЛАРИ БЎЛГАН БОЛАЛАРНИ ЖИСМОНАН БАҚУВВАТ, СОҒЛОМ, АҚЛАН БАРКАМОЛ ҚИЛИБ ТАРБИЯЛАШ ИШЛАРИГА КАТТА АҲАМИЯТ БЕРИЛМОҚДА.

2007—Ижтимоий ҳимоя йили

БОЛАЛАР ҚУВОНЧИ ОЛАМНИ ТУТСИН

«Узсанотқурилишбанк» ва унинг филиаллари меҳнат жамоаларида ҳам бу масалага жиҳидий эътибор қаратилмоқда. Яқинда «Узсанотқурилишбанк» маъмурияти ва бирлашган қасаба уюшмаси ҳамкорлигида Мирзо Улўғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида катта тадбир ўтказилди. Унда жамоа ишчи-хизматларининг 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган 100 нафардан ортиқ фарзандлари иштирок этди. Болажонлар табиат



Муҳими, шу кун билан бир олам қувонч билан уйларига қайтишди.

қўйнида бўлиб, ота-оналарининг қасблари ҳақидаги расмлар танловида қатнашиб, улар ишлаётган банкнинг фаолияти, биноси, молиялаштириётган корхона ва тизимлар, хат-чизиқ пластик қарточкалар расмларини ҳам чиздилар. Шашка ўйнашга яқши кўрадиган болалар мириқиб шашка мусобақасида иштирок этдилар. Ота-оналардан тузилган ҳақамлар хайъати расмларга баҳо бераётганида болалар эсдалик учун дўстлари билан суратга тушдилар. Танловда қатнашган барча болаларга соғва-саломлар, ширинликлар ва музқаймоқлар билан бирга боғдаги аттракционларда ўқишлари учун таклифномалар берилди. Бундан ташқари банкнинг филиалларидаги ҳодимларининг фарзандларига «Ижтимоий ҳимоя йили» муносабати билан Мирзо Улўғбек номи билан соғва-саломлар, ширинликлар ва музқаймоқлар билан бирга боғдаги аттракционларда яйраб ўйнашлари учун 1200та таклифномалар сотиб олиниб, бепул тарқатилди.

Муҳими, шу кун билан бир олам қувонч билан уйларига қайтишди.

Ҳамшаҳарларимиз МЕҲНАТНИНГ ТАГИ РОҲАТ

АФЛОТУНДАН СЎРАДИЛАР: «ФАЙЛАСУФ, ОЛИМ ОДАМСИЗ, ҚАНИ АЙТИНГИЧИ, ШУНЧА ЙИЛ ЎҚИБ, ҚАНДАЙ ХУЛОСАГА КЕЛДИНГИЗ?» У ЖАВОБ БЕРДИ: «ФАҚАТ БИР НАРСАНИ АНГЛАДИМ. ҲЕЧ НАРСА БИЛМАС ЭКАМАН».

Кўплаб шоғирдлар етиштирган тажрибали устоз-мураббий Набижон Эрматовдан шу ҳақда сўраганимизда у ҳам шунга ўхшаш: «Билим туганмас хазина. Унга эришган сайин ўзингни шунча кўп ожиз ҳис этасан», — деган камтарона жавобни берди. Зеро, ўтмишдошларимиз ҳам бежизга инсоннинг инсонийлигини белгиловчи кўп яқши фикрларни айтиб қолдиришмаган-да. Масалан, биргина «Камтарга камол» иборасини олайлик. Бу иборанинг замирида меҳнат қилиб чарчамайдиган, доимо эл-юрт равнақи йўлида хизмат қилишни ўзининг бурчи ва маслағи деб билган инсонларнинг умр мазмуни ётади. Мана шундайлар сафига ҳеч шубҳасиз биз юқорида тилга олган Набижон Эрматовни қўшимчимиз мумкин.

Н.Эрматов эсини танибдики, падали бузрукчови сингари ўқитувчилик касбига меҳр қўйди. Ўрта мактабни тугатиб ўз билиминини ошириш мақсадида Тошкент маданият-оқартув техникумининг (ҳозирги Маданият коллежи) қўшчилик бўлимига ўқишга кирди. Ўтқир зехни талаба Н.Эрматов коллежни муваффақиятли тугатган, шу ўқув юртининг ўзида ўқитувчи сифатида иш бошлади. Кейинчалик у кўп йиллардан бери орзу қилиб юрган Тошкент педагогика институтини (ҳозирги университет)нинг мусика факультетига ўқишга кирди. Институтни битириб яна ўзи иш бошлаган коллежга қайтиб маданият-маърифий соҳалар бўйича республикамизнинг турли вилоят, шаҳар ва қишлоқларида келган талабаларга сабоқ бера бошлади. У йиллар давомида амалиёт ўқитувчиси, лаборант, услуб хонаси мудири, амалиёт ва ўқув ишлар бўйича директор ўринбосари бўлиб ишлаб, олий тоифали мураббий даражасига эришди.

Бугунги кунда коллежда 900 дан зиёд талаба билим олмақда. Бу ерда 12 та кафедра мавжуд бўлиб, улар жумласига маданият-маърифий ишлар, кинооператорлик, оммавий байрамлар режиссураси, бадий безаш, анъанавий ижрочилик, ҳалқ қолғулари, миллий рақс дастаси, мусика назарияси, кутубхонашўнослик, тил ва адабиёт, умумтаълим, ижтимоий фанлар кафедраларини киритиш мумкин. Бу кафедраларни ташкил қилишда директор

ўринбосари Набижон Эрматовнинг арзигулик хизматлари бор. Унинг меҳнат фаолиятига 39 йилдан ошибдики, ҳамон сафда. Коллежда доимо иш қизгин. Озода синфлар, олий маълумотли, турли мутахассисликларга эга ўқитувчилар фаолият олиб боришади.

Набижон Эрматовни нафақат ўзи ишлаётган билим даргоҳи, балки вилоятлардаги соҳа билим юрталарида ҳам яқши танишади. Чунки у кўп йиллар турли ўқув масканларида, хусусан, Наманган, Бухоро, Қарши, Нўкус маданият коллежлари, Термиз Давлат мусика билим юртида, давлат аттестацияси комиссиясининг раиси сифатида иш олиб борди. У илмий-амалий ишлар бўйича тавсиялар, таржималар эгаси. Матбуотда турли мақолалари билан фаол қатнашиб келади. «Работа с детьми и подростками» ўқув дастурининг ўзбек тилидаги муаллифи. Унинг иш столида ўқув дастурлари, турли амалиётлар, услубий тавсияномалар, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ишлаб чиқариши амалиётига доир илмий қўлланмаларни кўриш мумкин.

Бугунги кунда унинг шоғирдларини республикамизнинг турли бурчакларида ўқратиш мумкин. Масалан, Ўзбекистон «ойнаи ҳажони» суҳандони, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ҳодими Дилором Умарова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Маҳбуба Ҳасанова, Равайн Қомиллов, «Нихол» мукофоти совриндори Лола Аҳмедова, Ўзбекистон Давлат консерваторияси аънавий ижрочилик кафедраси ўқитувчиси Хуршид Орипов, Мазмуружон Узоқов номидаги республика кўрик-танловининг совриндори Дилфуза Очқилова ва бошқалар шулар жумласидандир.

Набижон Эрматовнинг умр йўлдоши Саодат Эрматова ҳам турмуш ўртоғи билан бир сафда меҳнат қилади. У «Кутубхона фонди ва каталоглари» фонддан коллежда дарс беради. Қизи Юлдуз Имомназарова — ўқитувчи, ўғли Нурбек — Тошкент кимё-технология институтини талабаси. Набижон Эрматовнинг сеvimли ишори: «Қамолотга илмсиқ эришиб бўлмайди ва бундай киши улуғликдан узоқдир».

Абдулла ТОЛИПОВ, меҳнат фаҳрийси

ИСТИҚЛОЛ ТЕНГДОШЛАРИ — ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОСИ

ФУҚАРОЛИК БУ ҲАР БИР ИНСОНГА БЕРИЛГАН ОЛИЙ УНВОНДИР. ФУҚАРОЛИКНИ ТАСДИҚЛОВЧИ ПАСПОРТ ЭСА ИНСОННИНГ ШАХСИ ВА ЎЗЛИГИНИ КЎРСАТИБ БЕРУВЧИ ҲУҚУҚАТ ҲИСОБЛанаДИ.

Пойтахтимиздаги Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтган тадбирда ҳам бир гуруҳ умумтаълим мактаб битирувчилари мана шундай олий унвонга эга бўлишди, уларга Ўзбекистон фуқароси паспортлари топширилди.

Мамлакатимизда Юрбошимиз раҳнамолигида ёш авлодни ҳар томонлама баркамол, етук фарзандлар этиб тарбиялаш борасида қатор тадбирлар амалга оширилаётир. Уларнинг юксак қамолотга эришишлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратиб берилган. Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси, туман Халқ демократик партияси, «Нуроний» жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган маъжур тадбирда шу ҳақида сўз борди.

— Бугун Яқкасарой туманида истиқомат қилаётган ўттиз икки нафар ўрта мактаб битирувчиларига «Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорт»ни топширишга, — дейди туман Ички ишлар бўлими ХҲК ва ФРБ бошлиғи Фахриддин Турсунов. — Бу фарзандларимиз бугун ўн олти ёшга тўлдилар. Мустақиллик тенгдошлари бўлган бу болажонлар бугун янги ҳаётга қадам қўйдилар.

— Бугун жуда ҳам хурсандман, — дейди ҳаяжон билан Жасур Наврўзов. — Бугундан бошлаб мен мустақилман. Ўзим қарор қабул қиламан. Юртимизда қаттиқ ҳаяжон, озгина кўрүк ҳам бор.

— Бу кун меннинг энг бахтиёр куним, — дейди Барно Мусаева. — Паспортни қўлимда ушлаб турибман-у кўзларимда севинч ёшлари. Бу лаҳзалар бир умр ёдимдан чиқмас керак.

Тадбирда бу ўғил-қизлардан кўра кўпроқ ота-оналар қувондилар. Уларнинг кўзларида шодлик, юракларида бир олам ҳаяжон.

— Ўғлим улғайиб катта ҳаётга қадам қўяётганидан хурсандман, — дейди Дилфуза Салимова. — У юрт қорига яраса, шу ватан учун керакли фарзанд бўлиб етишса дунёдаги энг бахтли оила булардим.

Паспортларни тантанали топшириш маросимида сўзга чиққан Яқкасарой туман «Нуроний» жамғармаси раиси Хикматилла Охунжонов, Халқ демократик партияси раиси Толиб Сайфуллаев ва бошқалар ёшлар онгига ватанпарварлик туйғусини сингдиришда бу каби тадбирларнинг ўрни беқиёс эканлигини таъкидлашди.

— Олдимизда турган энг катта мақсад, — дейди Тошкент шаҳар ИИБ ХҲК ва ФРБ бошлиғи Абдувоҳид Ағзамов, — келажакимиз ворислари бўлган бу фарзандларимизни жисмонан соғлом, маънан баркамол этиб тарбиялаш, улар руҳида ватанга садоқат, туғилиб ўсган юртга нисбатан фахр-ифтихор туйғуларини мустаҳкамлашдир.

«Ўзбекистон фуқаролиги» — муқаддасдир. Фуқаролик бурчини фарзандларимизга тушунтириш, уларда фахр туйғусини йўғотиш бизнинг вазифамиз. Бугунги тадбир ҳам шу каби эзгу мақсадга хизмат қилса ажаб эмас.

Тадбирда 358-369-мактабга таълим муассасалари тарбияланувчилари ва 160-умумтаълим мактаби ўқувчиларининг чиқишлари, куй-қўшиқлари ўзгача шўқуқ бахш этди.

Таълим ИНСТИТУТИДА ЯНГИ МАРКАЗ

ГЕМАТОЛОГИЯ ВА ҚОН ҚУЙИШ ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ «ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ» ДАСТУРИ ДОИРАСИДА ИБРАТЛИ ТАДБИРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИБ КЕЛМОҚДА. ИЛМИЙ МУАССАСА ҚУЗУРИДА «ГЕМОФИЛИЯ ВА ҚОН ТИЗИМИ ДЕПРЕССИЯСИ» МАРКАЗИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ҲАМ МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТДИ.

Беморлар соғлигини тиклаш йўлида фаолият кўрсатиши ўз олдига мақсад қилиб қўйган бу янги марказ замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Бунда «Меҳр нури» жамғармасининг ёрдами катта бўлди. Марказий Осиёда ҳозирча ягона бўлган ушбу марказнинг моддий техник негизини мустаҳкамлашда бошқа ҳомий ташкилотлар кўмаклашди.

Янги марказ Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш тизимида гематологик хизматни йўлга қўйишга қаратилган ўз дастурини ҳам ишлаб чиқди.

ИМТИЁЗЛИ ДИПЛОМ

ТОШКЕНТДАГИ 60-МАКТАБ НЕМИС ТИЛИГА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН БИЛИМ ЎЧОҒИ ҲИСОБЛанаДИ. БУ ЕРДА ТАЪЛИМ ОЛАётГАН ЎҚУВЧИ-ЁШЛАР НЕМИС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИДАН ПУХТА БИЛИМ ОЛИБ, КЕЛГУСИДА ШУ ЙЎНАЛИШДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАДИГАН МУТАХАССИСЛАР БЎЛИБ ЕТИШАДИЛАР.

Мактабни бу йил 48 нафар ўқувчи битирди. Шулардан энг иқтидорлилари Германия маданият ва таълим вазирлигининг махсус дипломлари билан тақдирландилар. Бу эса уларга ўқув юрталарига тил бў

Оз-Оз ўтганиб
Домо бўлур...

МАШРИҚЗАМИН —
ҲИҚМАТ БЎСТОНИ
ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

ҲИҚМАТЛАР

Олам аҳли билсинларким, шу олам орти-
да яна бир олам бор, у ерда ҳовчингга
тупроқ олсанг, олтин бўлур.

Мадху таърифдан баланддир офтоб.

Ким ҳасад этгай кўшга, кўй уни,
Гар кўеши битса, ўтгайму куни?

Бас, буюкларга ҳасад этгай киши,
Бир ҳалоқат чоҳига кетгай киши.

Нурга етгай улки, нурдир матраби,
Севмаса зулматни гар сичқон каби.

Бир замон осуда турмас ул томоқ,
Билгани ҳар лаҳза ютмоқ, ямламоқ.

Гул куларму йиғламас эрса булут?
Йиғламас эрса гўдаклар, қайда суг?

Офтоб балқиб, булутлар йиғлашар,
Атру анбарга чўмиб, олам яшар.

Яхшидир гар кўзларингда нам бўлур,
Кўп ема, чун кўзда ёшинг кам бўлур.

Нон ила япроқ ёзар тан яшнабон,
Жон бутогинг саргайиб, бўлгай хазон.

Феълү сўз барча гувоҳликдир.

Рўза дер: кечди ҳалолдин ул магар,
Бас, ҳаромга энди солгайму назар.

Дер закот: ўз молин эҳсон этди кул,
Ўзгалар молига кўз солгайму ул?

Овчи куш йўлига этгай дон нисор,
Раҳму шафқатдин эмас, баҳри шикор.

Излаганга кўрсатурлар қиблани.

Феълү сўз эрмиш чу кўнгилга далил,
Бок уларга, англа, не эрмиш замир.

Гар гувоҳлар тоза бўлса яхшидир,
Чинлиги овоза бўлса яхшидир.

Сен қаноат айла, бул ҳиқмат сенга,
Зоти имондир буюк неъмат сенга.

Гар жаҳон неъматга тўлгай бор-бор,
Нон емас, тупроқ егайлар мушу мор

Мухталиф эрмиш амаллар, не ажаб,
Ичдаги рангини хаёллардир сабаб.

...ҳар ишда бордир бир сафо.

Овласанг, ишқ овла шу дунёда, бас,
Лекин ул дому тузоқни хушламас.

Қай кишининг очса бахт-иқболи гул,
Сувгамас, оташга киргай эрди ул.

Бир лаган пишган гуручни соҳир ул,
Бир лаган курт деб умумга кўрсатур.

Коми дунё мардни ноком айлади.

Мен қулидирмен аниким, баҳри худ.

Ибрат ол тоғ ҳолидин, эй майда чўп,
Сен ўзингни элга кўз-кўз этма кўп.

Шум ҳасад боис бўлиб бешубҳа-шак,
Тўғри эрмас, эгри айлангай фалак.

Юз киши бир суфрадин нон ейди, ҳай,
Икки подшо бир жаҳонга сигмагай.

Ул ёмон фикрингки, тирноқдир сенга,
Тирнағай жонингни, қийноқдир сенга.

Ташвишу койиш аро учгай умр,
Майда-чуйда гап била кечгай умр.


Ёргамас, гар ўзгага шайдо эрур,
Ишқ эмас, беҳуда бир савдо эрур.

Жон аро гар иллат эрса ёширин,
Ул асал бирлан баса бўлмас ширин.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган



Беғубор болаликнинг олтинга тенг дамлари.



ЁШЛАР СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ УЧУН

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ БОБУР НОМИДАГИ ЁШЛАР ХИЁБОНИДА "БИЗ СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ УЧУН,
БОШҚА НАРСАГА ВАҚТИМИЗ ЙЎҚ" МАВЗУИДА АКЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ХАЛҚАРО ВА НОДАВЛАТ
ТАШКИЛОТЛАР ХОДИМЛАРИ, ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА 15 ЁШДАН 25 ЁШГАЧА
БЎЛГАН ЁШЛАР ИШТИРОК ЭТДИ.

Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди (Social Initiatives Support Fund) ва Аҳолига хизмат кўрсатиш халқаро ташкилоти (Population Services International) ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбир ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларга спортга муҳаббат уйғотиш ва шу орқали бўш вақтларини унумли ўтказишга кўмаклашиш каби эзгу мақсадларга йўналтирилган.

— Бугуннинг энг долзарб муаммоси ОИТС ва ОИВдир, — дейди Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди (SISF) бошқарув раиси Ба-хадир Умархонов. — Мазкур тадбирни ўтказишдан мақсадимиз ҳам мана шу каби ёмон иллатларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашишда ёшларга кўмаклашишдир. Акцияда лото, ромашка, блиц викторина, фаворитка, баскетбол каби турли ўйинлар, мусобақа ва тан-

ловлар ташкил этилди. —Бу ўйинлар орқали ёшлар онгиди ОИТС, ОИВ каби иллатлар ҳақида тушунчани шакллантиришга эътибор қаратганмиз, — дейди Аҳолига хизмат кўрсатиш халқаро ташкилоти (PSI) минтақавий директор ўринбосари Роберт Грей. — Ёшларнинг турли ёмон иллатлар таъсирига тушиб қолишига сабаб улар ҳақида етарлича билмаслигидир. Уларга қарши курашишда иммунитетни кучайтириш, соғлом тур-

муш тарзини тарғиб қилиш муҳим аҳамиятга эга. Акцияда қатор мактаб-гача таълим муассасалари, меҳрибонлик уйлари ҳамда имконияти чекланган болалар фаол иштирок этди. Шунингдек, икки мингдан зиёд ёшлар турли мусобақаларда қатнашди ва ҳомий ташкилотлар томонидан улар учун эсдалик совғалари топширилди. Раҳиона ТОШПҲАТОВА, "Туркистон-пресс"

Фавқуллода вазиятлар бошқармаси фаолиятдан

ЧЎМИЛИШ ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИНГ

ЁЗ ЗАВҚ ВА ШАВҚҚА ТЎЛИК, ҚУВНОҚ ФАСЛ. ЁЗДА ТАБИАТ ҲАМ ЎЗГАЧА ТАРОВАТГА ЭГА БЎЛАДИ. АЙНИҚСА, БУ МАВСУМНИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ТАЛАБАЛАРИ, КОЛЛЕЖ ҲАМДА МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ОРЗҚИБ КУТИШАДИ. ЧУНКИ, КУНЛАР ИСИШИ БИЛАН КАНАЛЛАР, ОЧИК СУВ ҲАВЗАЛАРИ, АНҲОР ВА КЎЛЛАРДА ЧЎМИЛИШГА ЭҲТИЁЖ СЕЗИЛАДИ. ФУСУНҚОР ТАБИАТ БАҒРИДА ЧАРЧОҚНИ УНУТИБ, АСАБЛАРНИ ТИНЧЛАНТИРИБ ОҚАР СУВДА ЧЎМИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ГАШТИ, ТАРОВАТИ БОР.

Лекин бундай дам олиш вақтларида кўнгилсиз, нохуш ҳодисалар рўй бериши ачинарли ҳол, албатта. Бундай эҳтиётсизликлар рўй беришига кўпроқ ўзимиз сабабчимиз. Мутахассисларнинг таҳлилларига қараганда, сувда чўкиб нобуд бўлиш ҳодисалари рўй бермаслиги учун чўмилиш хавфсизлигининг оддий қоидаларига риоя қилинса, кифоя. Бу тўғрида Тошкент шаҳар Фавқуллода вазиятлар бошқармаси Авария-қутқарув отряди командири подполковник Бахтиёр Усмонов куйидагиларни сўзлаб берди: —Ҳукуматимиз томонидан фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасида бир қанча ишлар амалга оширилаётганига қарамадан сувда содир бўлаётган бахтсиз ҳодисалар учраб турибди. Шарқда жуда ўринли бир мақол бор: «Фаввос бўлмасанг, дарёга яқинлашма». Сувда сузишни яхши ўрганмас-

дан умуман, очик сув ҳавзаларида чўмилиш қоидаларини ва энг муҳими, чўкаётган инсонга ёрдам беришни билмай туриб очик сув ҳавзаларида чўмилмаган маъқул. Атрофни яхшилаб ўрганмасдан кўпроқ тағридан сузиб ўтиш, киргоқлардаги дарахт шохларини синдириш, илдишларига илашиб қолган темир-терсақ, шиша синиқлари ва бошқа хавфли жисмлар сув ости оқими натижасида инсон ҳаётига хавф туғдиради. Баъзан пойтахт меҳмонларининг ҳам «нотаниш» оқар сув ҳавзаларида тахилланган жойларда чўмилиши бахтсиз ҳодиса билан яқунланган. Айниқса, спиртли ичимликлар ичган ҳолда очик сув ҳавзаларида чўмилишнинг оқибати фатал қожа билан яқунланиши, аниқ. Тошли ва нотаниш ҳавзаларда шўнғиш, сув иншоотлари ёнида чўмилиш, дарахтлардан

ва юқори қувватли электр сим-лари ўтган таянчлардан сувга сакраш, киргоқдан йироқда сузиш ёки ёгингарчилик бўлиши мумкин бўлган об-ҳавода ҳам чўмилиш хавфлидир. Мактаб ўқувчиларини ота-оналари ва мураббийлари томонидан каровисиз қолдириш ҳамда улар ўртасида тушунтириш ишларининг етарли олиб борилмаганлиги натижасида ўқувчиларнинг тахилланган сув ҳавзаларида чўмилиши, назоратсиз қолган болаларнинг очик сув ҳавзаларидаги ноўрин «ҳазил»лари, сувда ўзига ва имкониятларига бўлган ҳаддан ташқари ишонч ҳам фожега сабаб бўлиши мумкин. Биргина май ойининг ўзида сувда содир бўлган нохуш ҳодисаларга эътибор берайлик. Жорий йилнинг 13 май куни Учтепа тумани ҳудудидан очик ўтувчи «Бўзсув» каналда 10 ёшли бола чўмилиш мақсадида сувга тушиб чўкиб кетган.

Шу куни Чилонзор тумани ҳудудидан очик ўтувчи «Бўз сув» каналда 9 ёшли бола сувда чўкиб нобуд бўлган. 14 май куни Юнусобод туманидаги «Ал-Азиз» хусусий ошхонаси ҳудудидан очик ўтувчи «Анҳор» каналда 16 ёшли фуқаро чўмилиш мақсадида сувга тушиб чўкиб кетган. 22 май куни оила аъзолари билан бирга дам олиш мақсадида шахаримиздаги гўзал гўшалардан бирига борган 13 ёшли қизалоқ фаввора сувига тушиб сузишни билмаслиги оқибатида чўкиб бевақф ҳаётдан кўз юмди. Оддий фаввораларда чўмилиш ҳам—сузишни билмаслик, сув чўқурлигини ҳисобга олмаслик ёки ота-оналарнинг бепарволиги сабабли кўнгилсиз ҳодисалар билан яқунланиши мумкин. Эътибор берган бўлсангиз, сувда чўкаётганларнинг аксарияти болалар ташкил этади. Фарзандларимизга тахилланган сув ҳавзаларида чўмилиш ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлигини доимо тушунтириб борсак, ота-оналар фарзандларини спорт масканларида сузишга ўргатишга эътибор берсалар сувда чўқишлар билан боғлиқ бўлган кўнгилсиз ҳодисаларга барҳам берилган бўлар-

ди. Бизнинг мақсадимиз—фуқаролар муҳофазасига қаратилган. Бу борада имкон даражасида фаолият олиб бормоқдамиз. Тошкент шаҳар Фавқуллода вазиятлар бошқармаси ходимлари томонидан пойтахт ҳудудидан очик ўтувчи Чирчиқ дарёси, мавжуд канал ва ариқлардаги санитария-эпидемиологик ҳолатни янада яхшилаш, фавқуллода вазиятлар содир бўлишига йўл қўймалик мақсадида аҳоли ўртасида тушунтириш, тарғиб ишлари олиб борилаётган. Бироқ шуни айтиб ўтиш мумкинки, аксарият ҳолларда фавқуллода вазиятларнинг юзага келишига фуқароларимизнинг етарлича билимга эга бўлмаслиги, баъзи эътиборсизликлари сабаб бўлмоқда. Шундай экан, доимо ҳушёр бўлишимиз шарт. Ҳар бир инсон ўзининг ҳаёти учун ўзи курашиб, хавфсизлигини таъминламоғи зарур. Шундагина ҳаётимиз хавфсиз, ёнги сайру саёҳатларимиз эса кўнглили ўтади. Хуснияхон ТОҶИБОЕВА, Тошкент шаҳар Фавқуллода вазиятлар бошқармаси матбуот хизмати ходими

"Тошкент оқшоми" саломатлик хизмати

УЗОҚ ЯШАШ ҲАР БИРИМИЗНИНГ ҚЎЛИМИЗДАН КЕЛАДИ

Шифокор маслаҳат беради — умрини 10-20 йилга узайтириш учун қуйидагиларга амал қилиш керак:
● ҳафтасига беш кун 40 дақиқадан тез қадамлар билан юришга одатланиш;
● ёхуд ҳафтасига беш кун 25-30 дақиқа югуришни қанда қилмаслик;
● ёки кунига 40-50 дақиқадан фаол дам олишга ўрганиш;
● ёхуд ҳафтасига 2-3 мартадан фитнес-марказда шугулланиш.
Ҳар биримиз ўз билганимизча яшашимиз ҳеч қимга сир эмас, саломатлигимизга бераро қараймиз, ортқалиқларни яхши кўра-миз, — дейди тиббиёт фанлари номзоди Мухаммадҷон Миршарипов, — 50 миллилрдан ортқок арқонинг қора қилмишига кўнглилик ишонмайди ҳам. Шу миқдордан ортқоқаси эса, сув тошини чархлагандай, жигарни емиради. Истеъмом қилаётган егуликларимиз ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмаймиз: бозордан озиқ-овқатнинг арзонроғини олишга ҳаракат қиламиз.

Улар эса, пулга яраша сифатсиз хом ашёдан тайёрланган, таъм, ранг ва қуёқ-суқлик даражасини беғона озиқ-овқат химикатлари беради. Ёшлар сифатсиз, таниб бўлмайдиган даражада ўзгартириб юборилган крахмал ва қанд-шакар — шуларнинг ҳаммасини истеъмом қиламиз. Танамиз тўқималари шулардан тузилади, шулар томирларимизни ифлослантиради, шулар моддалар алмашинувини бузади. Натижада — инфаркт, инсулт ва бошқа дардларга чалиниш ҳеч гапмас. Фуқароларимиз ўшбу касалликлар ривожланишини кескин камайитиришлари мумкин, бунинг учун аввало овқатларни одатларини ўзгартиришлари шарт: арқонинг бир кунда бир қадаҳ спиртсиз винога, қолбаса ва сосискаларни — оддий гўшт, парранда ёки балиққа, қартошка ва бутқаларни — сабзавотларга, ширинликларни эса — меваларга алмашиш керак бўлади. Энг муҳими — биз вақтида даволанишни ўрганишимиз керак. Сурункали касалликларга биз худди шамоллашга қарагандай қараймиз: касаллик ҳужум қилса — даволанамиз,

ҳужум ўтди — дориларни унутамиз. Аслида инфаркт ва инсултга олиб келадиган гипертония, ишемик касалликни ҳар кунги ва умр бўйи даволаш керак. Томирлардаги қон босими, қондаги холестерин ва қанд моддасини дори ва парҳез ёрдамида нормага тушириб бориш даркор. Улар нормадан ортқок бўлганда касаллик авж олади, норма чегарасида бўлганда эса, бемор ўзини соғлом ҳис этади. Албатта ўшбу кўрсаткичларни улар кўтаришмасдан олдин қузатиб бориш зарур (ҳар бир хонадонда тонометр бўлиши шарт). Насилдан-наслга касалликлар ўтиси хавфи бўлган кишилар қон босимини 25-30 ёшдан, қолганлар эса, 35-40 ёшдан ўлчашга одатланишлари мақсадга мувофиқ ҳатто нормадан кичик оғишлар ҳам касаллик хабарчилари бўлиши мумкин. Жисмоний тарбия энг кучли ва ишончли ҳимоя воситаси ҳисобланади. Албатта фитнес билан шугулланиш шарт эмас, шунчаки кунига тез қадамлар билан очик ҳавода 40-50 дақиқа сайр қилинг. Ёлғиз чиқишга эришингиз мумкин, шунинг учун қўни-қўшни, дўст-биродарлар, оила аъзоларингизни ён-ғизга олишга ҳаракат қилинг. Буларнинг ҳаммаси инсон умрини узайтирадиган энг оддий ва универсал — яъни ҳаммабон маслаҳатлардир. Уларга риоя қилиш, ҳеч шубҳасиз, узокроқ ва оғрикларсиз яшашингизга асос бўлади.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Почта алоқаси корхонасига, почта ва матбуотларни Республика вилоят марказларига етказиб бериш учун дизел ёқилғида ишлайдиган юк автоуловларга, иш стажы 3 йилдан кам бўлмаган профессионал ҳайдовчилар
ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ
Маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:
Тошкент шаҳри, Туркистон кўча, 4-уй, Кадрлар бўлими.
Тел. 133-95-33.
«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ «Халқаро почта» филиали маъмурияти.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ
Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г - 506

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95,
136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатта олинган.
Ҳажми — 2 босма табақ,
офсет усулида босилади.
2875 нусхада босилади.
Қоғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича
турар жойлардаги почта бўлимига ёки
«Тошкент почта»га 133-74-05 телефонига
муурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
1 2 3 4 6
Топширилган вақти: 14:05